

Рўзанинг мустаҳаблари



05:00 / 14.05.2019 2187

Қуйидаги амаллар рўзанинг мустаҳабларидир:

- 1.** Бирор нарса билан, бир қултум сув билан бўлса ҳам саҳарлик қилиш, саҳарликни кечанинг охиригача суриш.
- 2.** Қуёш ботиши билан шом намозини ўқишдан олдин дарҳол оғизни очиш. Ширин ва ҳўл нарса билан оғиз очиш афзал.
- 3.** Оғизни очишда ривоят қилинган лафзлар билан дуо қилиш.
- 4.** Рўзадорларга ифтор қилиб бериш.
- 5.** Жунублик, ҳайз ва нифосдан қилинадиган ғулсни кечга қўймай, тонг отишидан олдин қилиб олиш.
- 6.** Тил ҳамда аъзоларни ортиқча гап-сўз ва амаллардан тийиш.
- 7.** Рўзани бузмайдиган, аммо ҳузурбахш нарсаларни тарк қилиш.
- 8.** Оила аъзолари ва қариндошларга кенгчилик қилиш. Бева-бечора ва камбағалларга хайр-эҳсонни кўпайтириш.
- 9.** Қуръон қироати, илм суҳбатлари, зикр ва салавотларни кўпайтириш.

«Мўминнинг қалқони» китобидан